O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 12 SENTABR SESHANBA № 109 (26.659)

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этди.

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳозирги номни олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Ҳозир БМТ 188 мамлакатни бирлаштирган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Шу боис, БМТ аввало урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нуқталарида мавжуд вазиятдан бохабар бўлиш, келиб чиқиши мумкин бўлган можароларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин.

БМТнинг қолган вазифалари ҳам бевосита уруш ва тинчлик билан боғлиқ. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиқлаштиришдир. Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган мамлакатда вазият барқарор бўлиши қийин. Шу билан бирга, уруш бўлган жойда тинч аҳолининг жабр кўриши, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётидаги тафовутлар ҳам маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Кучлироқ мамлакат камқувватроғи устидан ҳукм юритишга интилади. Бир мамлакат бирор жиҳатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига тазйиқ бошланади. Бу эса, кўп ҳолларда, катта ғалаёнларга, фуқаролар урушига, бир сўз билан айтганда, қуролли можарога олиб келади. Мисол сифатида Африка, Жанубий-Шарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Хўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юмиб бўлмайди. Тинчликни сақлаш миссиялари, очарчилик, қурғоқчилик ва бошқа офатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳволини яхшилаш, илм-фан, маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотиқ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга лойиқ. Лекин БМТ ҳозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлай оляптимикан? Бу саволга ижобий жавоб айтиш қийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозиргача дунё халқлари кутган «нажот қалъаси»га айлана олмаяпти, дейиш мумкин. Бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, жўғрофий ўрни, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолди. Косовони олайлик. Мазкур ўлкада чиққан можаро БМТнинг олдидан ўтилмасдан ҳам тезда бостирилди. Савол туғилади: Хўш, Афғонистонда давом этаётган йигирма йиллик урушга барҳам беришга нега муносабат бошқача?

«Совуқ уруш» тугаганидан кейин инсоният энди хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид қилган эди. Сўнгги йилларда-ги воқеалар хотиржамликка ҳали эрталигини кўрсатяпти. Халқаро террор, фуқаролар урушлари авж олмоқда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмаяпти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатини бошқаларникидан устун қўйишида. Кейинги сабаблар БМТнинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Масалан, бирор муаммо бўйича қарор қабул қилиш керак бўлса, бундай жараён жуда чўзилиб кетади.

Нью-Йорк учрашуви «Мингйиллик саммити» деб аталгани бежиз эмас. Бир қарашда бу баландпарвоздек кўриниши мумкин. Лекин саммитнинг қандай мавзуда ўтганини эсласак, тадбир унчалик ҳам баландпарвоз туюлмайди: «БМТнинг янги мингйиллиқдаги ўрни». Бу ном ўз-ўзидан юқорида саналган ва кўпчиликка яхши маълум бўлмаган кўплаб муаммоларни эсга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи қизғин қарши олинди. У энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ва талай янги ташаббусларни илгари сурди. Аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтирмоқ керак, деди Ўзбекистон раҳбари. Яъни БМТнинг энг катта нуфузга эга органида имкон қадар кўпроқ давлатлар овозга эга бўлиши керак. Бунда доимий аъзолар билан бирга, нодоимий аъзолар сонини ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов бу ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш жоиз эканини таъкидлар экан, доимий аъзолар қаторига Германия ва Япония қўшилишини таклиф этди.

Мазкур икки мамлакат «Катта еттилик» сафига қўшилганининг ўзиёқ уларнинг дунё иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётида нечоғлик муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Ўзбекистон мисолида олиб қараганда ҳам, уларнинг салоҳияти яққол намоён бўлади. Япония ҳам, Германия ҳам мамлакатимиздаги улкан лойиҳаларда фаол иштирок этиб келяпти. Иккинчи томондан Германия ва Япония БМТга энг кўп бадал тўлайдиган давлатлар сирасига киради. Демак, ташкилотнинг кўплаб тадбирлари шу мамлакатлар маблағи ҳисобига молиялаштирилади. Мантиқан олиб қараганда, Хавфсизлик Кенгашида улар ўз овозига эга бўлиши керак.

Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш ҳам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, фақат ривожланган давлатларнинг нуқтаи назари билан қабул қилинган қарорлар бошқа мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмоқ даркор.

Президент Ислом Каримов БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни илгари сурди. Яъни бу органнинг мавқеини кўтариш ва масъулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутилаётган жиҳат шуки, қуролли можароларнинг олдини олиш ё уларни бостиришда Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан, «муросага мажбурлаш» механизмини ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дунёвий муаммолар ҳақида сўз борар экан, Орол денгизининг ҳалокатини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ислом Каримов бу фақат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузишни таклиф этди.

Дунёда ялпи хавфсизлик ўрнатиш учун экология, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларидаги масалалар қаторида қуролсизланишга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Ўзбекистон Президенти бир неча йил илгари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққанди. Ислом Каримов Нью-Йорк саммитида бу хусусда тўхталар экан, БМТ Бош котибининг ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси устида ишлаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаганини юқори баҳолади.

Ниҳоят, «Мингйиллик саммити»да кўтарилган энг долзарб масала — Афғонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айниқса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар кўряпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш минтақа мамлакатлари тараққиёт йўлида сарфлаши керак бўлган маблағнинг маълум қисмини ўзига сингдириб юборяпти. Афсуски, Косово, Босния ва Герцеговина можароларини тезкорлик билан бостиришга фаол бош қўшган Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар Афғонистон муаммосига келганда деярли эътиборсиз. Ваҳоланки, ҳеч бир уруш узоқ вақт давомида бир мамлакат доирасида қолмайди. Африкадаги асли келиб чиқиши оддий фуқаролар уруши бўлган можароларга бир неча давлатлар аралашиб кетгани, афғон зиддиятининг таъсири эса нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ёки Ҳиндистон, балки АҚШда ҳам намоён бўлаётгани буни тасдиқлайди. АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари яқинида портлаш со-

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуқтаи назаридан, бизнингча, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея «ўзга» давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, можаролар гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақаларо ва давлатлараро хусусият касб этади.

Буларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремистик кучларнинг тарқалиши ҳамда тажовузкорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари — минтақа давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатишдан иборат. 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи — фабрикасига айланган.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга — коридорларга айланмоқда.

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз заминида узоқ вақт орзиқиб кутилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси» ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қаршили томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш жараёни учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга ҳозирданоқ Афғонистонда низолардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро террорчиликнинг ўсиб бораётган хавфига қарши курашни кучайтиришнинг долзарблиги ва муҳимлиги тўғрисида сўз кетар экан, Ўзбекистон БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг 2000 йилда БМТ доирасида террорчиликка қарши халқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллайди.

Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин.

Бу кучлар кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларини қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин.

Шу жиҳатдан «Катта саккизлик» давлатларининг террорчилик фаолиятини молиялаш манбаларини йўқ қилиш тўғрисидаги келишувининг сўзда эмас, амалда бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур минбардан туриб, мен Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Истамбул самми-

(Давоми 2-бетда)

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда спортга катта эътибор қаратилаётганини бутун жаҳон кенг эътироф этяпти. Истиқлол йилларида бу борада амалга оширилган ишлар юксак натижаларни бермоқда. Ҳар йили ўнлаб спортчиларимиз жаҳон ва қитъа биринчиликларида, халқаро турнирларда ғалаба қозонаётгани, совриндор бўлаётгани жаҳон аҳлини Ўзбекистон спортини тан олишга мажбур этаётир.

Мамлакатимизда яна бир улкан спорт байрами — «Президент кубоги» анъанавий теннис турнири бошланди.Еттинчи бор ўтказилаётган мазкур мусобақа айни пайтда ҳар бир профессионал теннисчи қатнашишни орзу қиладиган турнирлар қаторига кирди.

11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур нуфузли анъанавий турнирнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмуасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз парламенти ва ҳукумати аъзолари, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, кўпдан-кўп спорт мухлислари олқишлар билан кутиб олдилар.

Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, мазкур анъанавий халқаро мусобақа иштирокчиларини Ўзбекистон заминида яна бир бор самимий қутлаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Еттинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» турнири спортнинг энг чиройли турларидан бири ҳисобланадиган катта теннисниг

(Давоми 2-бетда)

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

дир этиб, юзлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган халқаро террорчи Усама бин Лодин афғон тупроғидан қўним топгани бу фикрни исботловчи инкор этиб бўлмас далиллардан биридир.

Ислом Каримов Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган «6+2» гуруҳининг «Тошкент декларацияси» ўз долзарблигини йўқотмагани, Афғонистонда ўзаро урушаётган томонлар ўртасида музокара бошлаш учун муҳим асос бўлишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, афғон можаросини бартараф этиш борасида Ўзбекистон ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шу билан бирга, яхши ният билан, Афғонистонда уруш тўхтамаган бўлса-да, БМТ доирасида бу мамлакатни иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан тиклаш бўйича кенг дастур ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаоллиги тобора ортмоқда. Бу мамлакатимизнинг нуфузини ошириб, халқаро ҳамжамият аъзоларининг Ўзбекистонга ишончини мустаҳкамламоқда. Мамлакатимиз «Мингйиллик ассамблеяси» раиси ўринбосарлигига сайлангани буни яна бир карра тасдиқлади.

Ислом Каримовнинг Нью-Йорк сафари учрашувларга бой бўлди. Дастлаб АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг «Мингйиллик саммити» иштирокчилари шарафига уюштирган қабул маросимида Оқ уй раҳбари билан мулоқот бўлиб ўтди. АҚШ Президенти Б.Клинтон Ислом Каримовни Нью-Йоркка ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳақида кўпгина ижобий фикрларни баён қилди. Давлатимиз раҳбари мезбонга Ўзбекистонга ташриф буюришини таклиф этди. Қабул маросимида Ислом Каримов Япония Бош вазири Иосиро Мори билан ҳам суҳбатлашди.

БМТ минбарида нутқ сўзлаганидан кейин Ўзбекистон Президенти Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сезер билан учрашди. Суҳбат чоғида Марказий Осиёдаги вазият таҳлил қилинди. Минтақавий хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Туркия Президенти ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги, суверенитетини ҳимоя қилиб, халқаро террорчиларга қарши курашаётган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини ва бу борада ўз мамлакати юртимизга зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Исроил Бош вазири Эҳуд Барак билан учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар кўриб чиқилди. Ислом Каримов Яқин Шарқ муаммосини куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслигини айтди. Икки томонлама алоқалар масаласида эса бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Президентимизнинг Америка олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда дунё нақшбандия тариқати издошларининг раҳбари шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан учрашуви ҳам ғоят самарали кечди. Қабул чоғида уламолар, динни ниқоб қилиб, одамларнинг тинчини бузаётган террорчиларнинг ҳаракатини кескин қоралади. Дунё мусулмонлари орасида катта нуфузга эга бўлган мазкур кенгаш ислом ақидалари ва ғояларини тўғри талқин этиш, бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Нью-Йоркда кечган ғоят муҳим мулоқот АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан бўлди. Учрашувда Мадлен хоним Ўзбекистондаги ва минтақадаги вазиятни, кечаётган воқеаларни энди, яқинда юртимизга келиб-кетганидан сўнг, янада теранроқ англаб етганини айтди. Маълумки, бу йил АҚШ давлат департаменти ўта хавфли террорчилик ташкилотларининг йиллик рўйхатига ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атаётган бир гуруҳ жиноятчилар тўдасини ҳам қўшган. Аслида беватан, қонхўр, мақсаду матлаби бўлмаган жангариларнинг аллақандай гуруҳини «ҳаракат» дейиш ҳам нотўғри. Чунки ўзини гўё «Ўзбекистон ислом ҳаракати» вакиллари, деб атаётган кимсаларнинг фикри ва феъли ҳақиқий диндан жуда йироқ. АҚШ давлат котиби ўз мамлакати уларга қарши курашда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Террор айни кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги қарийб барча давлатларни ташвишга солмоқда. Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг сўнгги саммитида кўтарилган ғояни БМТ минбаридан туриб ҳам айтди. Яъни, БМТ доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш керак. Бу офатга қарши якка ҳолда курашдан наф кам. Халқаро миқёсдаги кураш эса террорнинг ижрочиларинигина эмас, манбасини ҳам йўқ қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, БМТнинг иккинчи мингйилликдаги сўнгги саммити, умуман, инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашуви тугади. Ўзбекистон раҳбари унда ғоят долзарб ташаббусларни илгари сурди. Саммит доирасида кўплаб самарали учрашувлар ўтказди. Бу хайрли ташаббуслар ва учрашувлар албатта ўз натижасини беражак.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент —Нью-Йорк — Тошкент

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Оқсарой қароргоҳида АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзни қабул қилди.

Юртимизда Президент кубоги учун анъанавий халқаро теннис мусобақалари бошланди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни аввало ушбу турнирда шахсан иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрганидан мамнуният билдирди.

Ўзбекистонда Президент кубоги учун халқаро теннис мусобақалари еттинчи бор ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, унинг халқаро доирадаги нуфузи йил сайин ошиб бораётир. Жаҳоннинг кўзга кўринган профессионал теннисчилари ва мутахассислари турнирга жуда юқори баҳо бераётгани сир эмас. «Юнусобод» спорт мажмуида ҳар йили дунёга машҳур теннисчилар куч синашади. Қувонарлиси, бу яхши анъанага айланиб бормоқда. Қолаверса, юртимиз довруғи жаҳон бўйлаб янада кенг қулоч ёйишида ушбу мусобақаларнинг аҳамияти катта. Айни пайтда юртимиздан моҳир теннисчилар етишиб чиқаяпти. Бу ютуқларда АТП Турнинг муносиб ҳиссаси бор. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида мазкур халқаро спорт ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

■ **(ЎзА)**

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, азиз биродарим!

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга чексиз қувонч бахш этмоқда.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами Сизга самимий қутловлар ҳамда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган ғоят самимий истакларимни йўллаш учун қулай имконият беради.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорликни авж олдириш ва кенгайтириш орқали ўз иқтисодиётининг салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиб, халқларимизнинг минтақавий барқарорлик ва осойишталик, тинчлик ва халқаро хавфсизлик борасидаги манфаатини кўзлаб, қадим Буюк ипак йўлини қайта тиклашга кўмаклаша олади, деган қатъий ишончимни изҳор этаман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Эмил КОНСТАНТИНЕСКУ,
Руминия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали дўст ўзбек халқини муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз Сизнинг Ўзбекистон Республикасида демократик тузум негизларини кенгайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизни қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кузатиб бормоқдамиз.Сизни ишонтириб айта оламанки, Венгрия Республикаси Ўзбекистон билан сермазмун ва кўп томонлама муносабатларни бундан буён ҳам унинг Ўрта Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири эканлигини назарда тутган ҳолда ривожлантириб боришга ҳаракат қилади.

Муҳтарам Президент Жаноблари! Сизга сиҳат-саломатлик, бундан буён ҳам буюк зафарлар, Ватанингизга эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Самимий салом билан,

Ференц МАДЛ,
Венгрия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сизга Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан энг самимий табрикларимизни йўллаш бизга чуқур мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, дўст ўзбек халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилакларини йўллаймиз.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

тида БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Ўзбекистон ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатъий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Бусиз глобал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам стратегик барқарорликка эришиб бўлмайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси аҳамиятини янада оширади ва уни тезда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан қонунлаштириш заруратини илгари суради. Биз БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг ядросиз ҳудуд тўғрисидаги минтақавий шартнома лойиҳасини якунлаш устида иш олиб бораётган минтақавий экспорт гуруҳини қўллаб-қувватлашга доир саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи ҳавзаси муаммолари тўғрисида бир неча бор гапирганман. Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин.

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бефарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.

Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қиламан.

Ҳурматли жаноб раислар,

Замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади. БМТни ислоҳ қилиш деганда биз, энг аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинишини тушунамиз.

Бу жиҳатдан, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

БИРИНЧИДАН, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

ИККИНЧИДАН, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

УЧИНЧИДАН, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда «тинчликка мажбур қилиш» деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтириш лозим.

Сўзимнинг якунида, ижозатингиз билан, саммит раислари — Намибия Республикаси президенти жаноб Сэм Нуеомани, Финляндия Республикаси президенти Тарья Халонен хонимни ушбу масъулиятли лавозимга сайлангани билан табриклайман. Саммит фаолияти самарали бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ёрқин ва унутилмас байрами бўлишига ишонаман, — деди Ислом Каримов.— Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бундай мусобақалар ва уларда экстра тоифадаги шундай маҳоратли ўйинчиларнинг иштирок этиши фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё минтақасида теннисснинг ривожланиши ва оммалашувига катта туртки бўлди.Буни жаҳон спорт жамоатчилиги ҳам тан олмоқда.

Ўзбекистонда теннисснинг мисли кўрилмаган тараққиёти самараси ўлароқ, бугунги кунда юртимиз спортчилари ҳам жаҳон теннис юлдузлари сафидан жой олди ва олмоқда.

Ўзбекистонда спортга эътибордан кўзда тутилган олий мақсад — соғлом авлодни вояга етказиш, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, қолаверса, шу йўл билан юртимиз донғини дунёга таратишдир. Теннисснинг тараққиёти ҳам халқимиз камолотига хизмат қилмоқда.

— Биз учун энг муҳими, теннис бугунги кунда, шак-шубҳасиз, Ўзбекистонда энг оммавий ва севимли спорт турларидан бирига айланди, — деди давлатимиз раҳбари.— Айниқса, у биз катта умид боғлаётган фарзандларимиз учун, ҳаваскор спортчилардан то моҳир теннисчиларгача, жуда қадрли бўлиб қолди.

Президент Ислом Каримов турнирнинг барча ташкилотчилари, менежер, мураббий, мутахассис ва журналистларга мазкур теннис байрамининг қизиқарли ўтиши ҳамда оммавийлашувида катта ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Айни пайтда юртимизда меҳмон бўлиб турган АТП Тур ижрочи директори Марк Майлз Ўзбекистоннинг спорт ҳаётидаги бундай ўзгаришларга шахсан гувоҳ бўлди.У «Президент кубоги»нинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, дунёнинг бирор мамлакатида теннис бунчалик тез ривожланмаганини эътироф этди.

— Спортга Ўзбекистондагидек беқиёс эътиборни бошқа жойда учратмаганман, — деди у жумладан.

Шундай қилиб, мамлакатимизда улкан теннис байрами бошланди. Мухлислар бир неча кун давомида АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Испания, Исроил, Марокаш каби дунёнинг кўплаб давлатларидан келган йирик спорт усталарининг беллашувларини томоша қилади.- Мусобақаларда жаҳон профессионал теннисчилар таснифида юқори поғоналарни эгаллаб турган Евгений Кафельников, Марат Сафин, Карлос Мойя, Грег Руседски, Седрик Пиолин сингари забардаст «катта ракетка» усталари ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш этади.

■ **Анвар КАРИМОВ,**
ЎзА мухбири

ГИМННИ ЯНГИЛАШМОҚЧИ

Ироқнинг бугунги кунда қўлланаётган гимни 1980 йили қабул қилинган. Бироқ эндиликда у Саддам Ҳусайнни қониқтирмай қолди. Шунинг учун, Ироқ Президенти миллатнинг етук шоирларига янги гимн ёзишни тавсия этди. Саддам Ҳусайннинг гимндан кўзлаган ғоявий мақсади жуда улкан. Шунинг учун, бу ғояларни гимнга сингдиришда шоирлар анча қийналишларига тўғри келади. Президентнинг айтишича, янги гимнннинг ҳажми кўпам катта бўлмаслиги керак. Яъни барча тушунадиган ва тез эслаб қоладиган, лекин барчани бирдек янги куч сари илҳомлантириб, юракдан тўлқинлантирадиган бўлиши керак.



ОПЕРА 400 ЁШДА

Бу йил опера санъатининг 400 йиллик юбилейи нишонланди. Операнинг илк намунаси 1600 йил италиялик композитор Жакопо Пери томонидан ёзилган ва унинг номи «Эвридика» бўлиб, ашулачиларга 4 мусиқачи ҳам жўр бўлган. Ушбу ария алоҳида қувноқлик касб этмаса-да, француз қироли Генрих IV нинг тўйида куйланган.

ХИТОЙЛАРДАН ЎЗИБ КЕТСА-Я?!

Кўпчиликка маълумки, бугунги кунда аҳоли кўплиги жиҳатдан Ҳиндистон Хитойдан кейинги иккинчи ўринда турибди. Социологларнинг ҳисоб-китобларича, агар Ҳиндистонда аҳоли кўпайиши шу зайлда давом этса, яна 50 йилдан сўнг ушбу мамлакат аҳолиси 1,5 миллиардга етади ва 1,25 миллиард кишилик Хитойни ортда қолдиради.

Шуниси ажабланарлики, Ҳиндистон мустақилликни қўлга киритган маҳал, яъни 1947 йилда мамлакат аҳолиси атиги 300 миллион кишидан иборат эди. Бугунги кунда эса 1 миллиарддан ортиб кетди. Энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

АЙЛАНУВЧИ ЎЙ

Ер ўз ўқи атрофида айланганидек, яқинда янги зеландиялик ҳаваскор қурувчи-ихтирочи томонидан қурилган уй ҳам ўз ўқи атрофида айланиб туради. Гап шундаки, уйнинг ҳар бир хонасига ҳароратни ўлчовчи даражалар қўйилган. Агарда қайсики хонада ҳарорат белгиланганидан пасайиб кетса, бу хабар автоматик тарзда уй «мия»сига узатилади ва уй дарҳол автоматик равишда айланиб, «совуқ» хонани қуёш томонга ўгиради ва қарабсизки, хона ҳарорати мўътадиллашади. Қизиғи шундаки, агар уй эгаси буни хоҳламаса, тугмача босилса бас, айланишдан тўхтайди.

НУРЛАНИШ ҲАМ ФОЙДА

Нурланишнинг зарари ҳақида кўпчилигимиз яхши биламиз: Японияннинг Хиросима ва Нагасаки ороллари атом бомбаси портлашидан кейинги нурланиш оқибатлари, Чернобил АЭСи кўргиликларининг асоратлари ҳалиям батамом йўқ бўлмаган. Унинг кулфатларини инсоният ҳали-вери унутолмайди. Бу одамзотга нурланиш нималигини доимо эслатиб туради. Аммо нурланиш ҳам киши организмига фойда бериши ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз?

Фанда шу нарса исботланганки, Ер юзида табиий «радиоактив фон» мавжуд бўлиб, у радионуклидлар ва фазовий нурлардан ташкил топган. У Ер юзи бўйлаб бир хилда тарқалган, киши организмига ва бошқа жонзотларга узлуксиз таъсир этиб туради. Бироқ бу нурланиш зарарлилик даражасидан миллион марта кам дозададир.

Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, радиобиолог олим Александр Кузин РФА ҳужайралар биофизикаси институти олимлари билан биргаликда олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, нурланиш натижасида тирик тўқималарда барқарор энергия гирдоби вужудга келиб, у ўз навбатида бир биотизимдаги аҳвол ҳақида бутун организмга «ахборот» беради ва бошқасидан «ахборот» қабул қилади. Қисқаси, организмда «ахборот» алмашинувини таъминлайди. Бусиз киши организми, ва умуман, тирик жонзотларнинг барчаси ўзини жабрлангандек, руҳий сиқилишда сезади. Бу ҳатто синаб ҳам кўрилди: барча томони қўрғошин девор билан ўралган, яъни табиий нурланиш ўтмайдиган хонага жонзотлар қамаб қўйилди. Шунда улар ўзларини жуда ёмон ҳис қилишгани қайд этилди. Демак, инсоният ва барча жонзотларнинг жуда кам дозада табиий нурланиши организм учун фақат фойдали экан.

■ **Зулхумор АБДУРАҲМОН қизи тайёрлади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	164,12	1 Канада доллари	199,40	1 Финляндия маркаси	42,99
1 Австрия шиллинги	18,58	1 Хитой юани	35,54	1 Франция франки	38,97
1 Англия фунт стерлинги	417,26	10 Люксембург франки	63,36	1 Швейцария франки	165,56
10 Бельгия франки	63,36	1 Малайзия ринггити	77,45	1 ЕВРО	255,61
1 Голландия гульдени	115,99	1 Германия маркаси	130,69	10 Жанубий Корея вони	2,65
10 Греция драхмаси	7,56	1 Польша злотийси	66,50	10 Япония иенаси	27,68
1 Дания кронаси	34,28	1 СДР	381,44	1 Россия рубли	10,56
1 БАА дирхами	30,12	1000 Туркия лираси	0,44	1 Украина гривнаси	54,11
1 АҚШ доллари	294,28				
1 Миср фунти	83,90				
10 Испания песети	15,36				
100 Италия лираси	13,20				

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ИНСОН КАДРИ

ЭЗГУЛИК, ЭЪЗОЗ ВА МЕҲР-ОҚИБАТ

Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги байрами арафасида мураккаб бир даврда яшаб ижод қилган, ўзининг бетакрор истеъдоди билан миллий санъатимиз, адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган, халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган бир гуруҳ марҳум ватандошларимиз мамлакатимизнинг юксак мукофоти **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан тақдирланди.

Бу, энг аввало, истиқлол сиёсати моҳият-эътибори билан эзгуликка, яъни инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш, хотирасини эъзозлаш ва унинг эл-юрт олдидаги хизматларини муносиб тақдирлаш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни тиклашга хизмат қилаётганини англатади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган бу мўътабар, савоб ишлар, албатта, юртдошларимиз томонидан чуқур мамнуният билан қўллаб-қувватланмоқда. Бу, Юртбошимиз номига келаётган миннатдорлик мактубларида ҳам ўзининг теран ифодасини топган.

«Мен зиёли сифатида бундай юксак ҳимматдан бениҳоя таъсирландим, — **деб ёзади Қарши давлат университетининг проректори Поён Равшанов.** *— Бугун фақат марҳум санъаткорларимиз, адибу шоирларимизнинг ортида қолган қариндош-уруғи, невараларари эмас, балки бу беназир инсонларнинг санъатидан баҳраманд бўлган ҳар бир юртдошимизнинг кўнгил уйида байрам. Иккинчи томондан, бу тенгсиз маърифий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мустақиллик шарофати ўлароқ тарихимизга, қадриятларимизга, улуғ аждодларимизга беқиёс ҳурмат-эҳтиромнинг бу янглиғ қарор топиши — ўзликни англаш йўлидаги улуғвор ишларнинг яна бир далили, деб биламан».*

Халқимиз азал-азалдан хайрли ишларга, эзгуликка, меҳр-оқибатга чанқоқлик билан қарайди, у ҳаётда юз кўрсатаётган, маънавий дунёмизни бойитаётган савоб ишларни жуда юксак қадрлайди. Марғилон шаҳридаги «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғинининг бир гуруҳ аъзолари Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубда шундай дейилади: *«Мумтоз қўшиқлар ижрочиси марҳум Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар катта истеъдод соҳиби бўлишларига қарамай, ўз даврида ҳаётдан муносиб қадр топмай ўтишган. Олий Фармон билан улар номининг эъзозланиши бизнинг кўнглимизни тоғдек юксалтирди. Шунингдек, Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан ташкил этилган Маъмуржон Узоқов номидаги республика қўшиқ танловини анъанавий тус олиб, миллий санъатимизни ривожлантиришда ўзига хос мактаб бўлаётгани қувончли, албатта».*

Шундай самимий эътирофни театр санъатимизнинг атоқли намояндаларидан бири бўлган Аброр Ҳидоятовнинг ўғиллари Гого ва Темур Ҳидоятовлар йўллаган миннатдорлик мактубида ҳам кўриш мумкин:

«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз Сизнинг муборак Фармонингизни кўзда ёш билан ўқидик. Чунки отамиз Аброр Ҳидоятовнинг театр санъатига қўшган хизматлари шу пайтга қадар ҳеч қачон бунчалик юксак баҳоланмаган. Отамизнинг камтарин хизматларини муносиб тақдирлаб, номини эъзозлаганингиз, оиламизга чексиз меҳр кўрсатганингиз учун Сизга чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Ўтганларнинг руҳи Сизни ҳамиша қўлласин!»

Эзгулик шундай қудратли кучга эгаки, у ҳар бир оила, ҳар бир кўнгилга чексиз қувонч олиб киради. Юракларни тўлқинлантириб юборади.

Шу маънода тошкентлик шифокор Анвар Мақсудов йўллаган миннатдорлик мактуби киши эътиборини ўзига жалб этади: *«Бу Фармонни ўқиб, оиламиздагиларнинг боши осмонга етди. Чунки Аброр Ҳидоятов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ойбек, Ғафур Ғулом сингари азиз сиймолар отамизнинг яқин дўстлари бўлиб, уйимизга тез-тез ташриф буюриб туришган. Қолаверса, ўзим миллий эстрадамиз асосчиси Ботир Зокиров билан яқин дўст эдим. Шунинг учун, бу хушхабарни оиламизга дахлдор энг катта қувонч сифатида қутиб олдим.*

Оиламизга, минглаб кўнгилларга шундай катта қувонч ва шодлик ҳадя этганингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб, Сизга таъзим қиламан».

Инсон ҳамиша меҳрталаб. Унинг учун ҳаётда меҳнати қадрланиб, эъзоз кўриши, қадр-қиммати, шаъни улуғланишидан ортиқ бахт йўқ.

«Мен, оддий деҳқон, тенгсиз шараф — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганимдан беҳад ҳаяжондаман,— **деб ёзади Хива туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Бектурди Жуманиёзов.** *— Мана шу қувончли лаҳзаларда беихтиёр ўтган умрим ҳақида ўйладим: кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?*

Шўро замонида биз, деҳқонларнинг бошида синган таёқлар ҳали ёдимиздан кўтарилганича йўқ. Мана, тўққиз йилдирки, ўзимизни юртга керакли одам, муҳим касбнинг эгаси сифатида ҳис этиб, кўнглимиз ўсади. Кексалик ҳам ортга чекинган-дек. Менинг хизматларимни қадрлаб, юксак унвонга муносиб кўрганингиз учун минг қуллуқ».

Фиждувон туманидаги Садриддин Айний номли ширкат хўжалиги аъзолари Ш. Олимов, Н. Гадоев, И. Олимова ва Э. Назаров ўз фикрларини шундай ифода этишган: *«Хўжалигимиз бош пудратчиси Ҳазрат ота Аблақуловнинг Ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланиши биз, ширкат хўжалиги аъзоларини беҳад қувонтирди. Ҳазрат ота шўро замонида ҳам ҳозиргидан кам меҳнат қилмаган. Лекин...*

Бугун отанинг меҳнатлари юксак қадрланиб, шунчалик ҳурмат кўрсатилаётган экан, биз буни, энг аввало, мустақиллик шарофати, инсоннинг шаъни, меҳнати юксак қадр топиб бораётганининг яққол ифодаси, деб биламиз. Шундай эзгу ва савоб ишларнинг бошида турган Сиз, доно Йўлбошчимизни, илоё, дунё турганча туринг, деб дуо қиламиз».

Президентимиз Ислом Каримов номига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган минглаб мактублар ва шошилинчномаларда ана шундай фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Қуйида шу мактубларнинг айримларини сиз, азиз газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Президентнинг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати

Ассалому алайкум, азиз Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг қутлуғ Фармонингиз билан миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталари қатори меҳрибон отамиз, таниқли ҳофиз Маъмуржон Узоқов ҳам юксак мукофотга муносиб кўрилиши қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Халқимизнинг асрий орзу-армонларини мумтоз қўшиқларда ифода этган падари бузрукворимизнинг руҳи поклари шод этилгани, номлари абадийлаштирилгани Сиз олиб бораётган халқчил сиёсатнинг, истиқлолнинг шарофати, деб биламиз.

Бугунги кунда машҳур ҳофизлар издошларининг республика кўрик-танловлари анъанага айланган. Бу танловлар иқтидорли ёшларга кенг йўл очувчи ижодий мактабдир. Ўйлаймизки, бу ҳам оталар хизматига чексиз эҳтиром рамзи, хайрли ишдир.

Ҳукуматимизнинг оиламизга доимий эътибор ва ғамхўрлигини ниҳоятда қадрлаймиз. Халқ хизматига, юртимизнинг тинчлик ва осойишталигига доимо камарбастамиз.

Сиз, муҳтарам Йўлбошчимиз халқимизга раҳбар экансиз, йўлимиз ойдин, келажагимиз ёруғ бўлишига шубҳа қилмаймиз. Ўзингиз экиб, ўзингиз парвариш қилаётган истиқлол дарахтининг камолини кўриш, илоё, насиб этсин!

Маъмуржон Узоқов оиласи номидан

Оминахон Узоқова, Ҳасанбой Узоқов, Марғилон шаҳри

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Отамиз, Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом ҳаётдан кўз юмганига ўттиз йилдан ошган бўлсада, у кишини хотирлаб, адабиётимиз, халқимиз учун қилган хизматларини эъзозлаб, она-Ватанимизнинг муборак мукофоти билан сийлаганингиз бизни ғоятда тўлқинлантирди.

Сиз ўз нутқларингизда отамизнинг номини тилга олиб ўтсангиз, бизнинг бошимиз осмонга етади. Барчамизнинг биргина афсусимиз борки, у ҳам бўлса, Ватанимиз Сиз туфайли жаҳонга танилган шарафли кунларга отамиз етиб келмадилар.

Сиз ҳамиша сўнгги нафасигача халқига, Ватанига хизмат қилган улуғларимизни ёдга олиб, уларнинг руҳини шод этганда, биз қўлимизни кўксимизга қўйиб, Сизга раҳматлар айтамиз.

То ҳаёт эканмиз, Ўзбекистонимизнинг озодлиги, мустақиллиги йўлида жонимизни ҳам аямаймиз. Муқаддас Ватанимиз остонасига ёвуз ният билан қадам қўйган ғаламисларга нафратимиз чексиздир.

Ислом Абдуғаниевич, аввало, олтин бошингиз омон бўлсин! Халқ бахти, Ватан саодати йўлида асло толманг! Хизматларингиз ўзингизга минг баробар яхшилик бўлиб қайтсин!

Ғафур Ғуломнинг фарзандлари, набиралари, чеваралари

Н. Ғуломов, О. Аҳмедова, А. Ғуломов, О. Ҳамидова, Т.Ғуломова, А. Ҳамидов, О. Йўлдошев
(жами йигирма имзо).

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Бир тўда ватанфурушлар улуғ байрамимиз арафасида мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солиб, Сизнинг диққат-эътиборингиз мудофаа масалалари билан банд бўлиб турган бир пайтда миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг сўнмас юлдузлари хизматини эслаб, қадрлаб, уларнинг хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатганингиз бизни қаттиқ ҳаяжонга солди.

Халқимизнинг, адабиётимиз ва санъатимизнинг бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Самимий миннатдорлик билдириб, Ойбек авлодлари номидан

Омон Тошмуҳамедов

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен миллий санъатимизнинг бир вакили сифатида Сиз муҳтарам юртбошимизга ўз дил сўзларимни изҳор этмоққа жазм этдим.

Истиқлолга қадар саноқлигина санъаткор сийланган бўлса, санъатимиз равнақига умрини бағишлаган, бу йўлда ҳатто жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлган кўп-кўп мумтоз сиймолар диққат-эътибордан четда қолиб кетган эди.

Мустабид тузумдан қутулгач, миллий санъатимиз қаддини кўтарди, қадрини топди. Сизнинг халқпарварлигингиз, санъатсеварлигингиз туфайли раҳматлик буюк устозларимизнинг қолдирган мероси алоҳида эътибор қозонди.

Мустақиллик йилларида биргина бизнинг мақомчилар дастасидан ўн олти санъаткор Ватаннинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлдики, буни биз халққа қилинаётган ижодий меҳнатнинг чинакамига қадрланиши, деб биламиз.

Ўзбек мақоми, мумтоз миллий санъатимиз, мусиқамиз бугун жаҳон халқлари томонидан олқишланаётган экан, бу ҳам Сизнинг хизматларингиз, истиқлолимизнинг шарофатидир.

Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг бу ғамхўрлигингизга жавобан бор истеъдодимизни, санъатимизни фарзандларимизнинг баркамол, келажагимизнинг буюк бўлиши йўлида тўла сафарбар этамиз.

Чексиз эҳтиром билан

Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ артисти

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Адабиётимизнинг бир қатор улуғ намояндаларини Ватанимизнинг олий мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонингиз биз — қалам аҳлини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Табаррук устозларимиз Ғафур Ғулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг халқимиз, адабиётимиз олдидаги хизматлари, дарҳақиқат, буюкдир.

Бу адиблар шўро тузуми даврида барча тақиқ, тазйиқларга қарамай, халқчил ёзувчи олдига қўйилган ҳадсиз-ҳисобсиз сунъий ғовлар ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиб, истиқлол фидойилари бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва Усмон Носирларнинг қутлуғ анъаналарини матонат билан давом эттирдилар, халқимиз ва адабиётимизнинг оламшумул довруғига янги довруғ қўша олдилар.

Ғафур Ғуломнинг машъум давр қолипларига бўй бермайдиган фалсафий шеърлари, «Шум бола» қиссаси, «Менинг ўғригина болам» каби қатор ҳикоялари, Ойбекнинг абадиятга дахлдор дилбар шеърлари, «Навоий» романи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор», «Ўғри», «Бемор», «Минг бир жон», «Даҳшат», «Майиз емаган хотин» каби етук ҳикоялари адабиётимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олган дурдона асарлар экани бугунги кунда сўз санъатини қадрлайдиган ҳар бир инсон учун маълум ҳақиқатдир. Адабиётимизнинг кексаю ёш вакиллари бу сўз санъаткорларини ўзларига устоз деб биладилар. Чунки улар адабиётдаги дастлабки қадамларимизни қўллаб-қувватлаган, ижодий ютуқларимиздан астойдил қувонишган.

Улуғ устозларимизнинг хизматларини муносиб тақдирлаганингиз учун, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга яна бир бор сидқидилдан ташаккур изҳор этамиз.

Чексиз эҳтиром билан

Абдулла Орипов, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Йўлдош Сулаймон

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Санъатсевар халқимиз ўтганлар хизматини кўзга тутиё этганингиздан ниҳоятда миннатдор. Бу марҳаматдан Зокировлар сулоласининг ҳам боши осмонга етди.

Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг. Бугун кексаю ёш Аллоҳ таолодан фақат шуни сўрайди.

Фаррух Зокиров, Жамшид Зокиров, Равшан Зокиров

Юртбошимиз, қимматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Муҳиддин Қориёқубовнинг миннатдор фарзандлари, миллий санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган устоз санъаткорлар қатори падари бузрукворимиз ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганини халқига хизмат қилганлар руҳининг шод этилиши, санъатга, меҳнатга эҳтиром деб биламиз. Бу — эътибор, бу меҳр-оқибат. Бу — фақат ўтганлар хотираси ҳурмати эмас, балки авлодлар учун ҳам ибрат намунасидир.

Сизнинг хизматларингиз шуни уқтирмоқдаки, яхшилик билан қолган ном халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Чексиз эҳтиром билан

Улуғбек Қориёқубов, Ҳумоюн Қориёқубов, Муқаддам Қориёқубова

Адабиётимизнинг энг забардаст, энг истеъдодли ижодкорлари Ғафур Ғулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг Ватанимизнинг ғоят баланд мартабали «Буюк хизматлари учун» ордени билан сийланиши адабиёт ихлосмандлари кўнглидаги айни муддао бўлди.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Алишер Навоий чизган машҳур «Занжирбанд шер» расмини эсланг. Унда, дунёни ларзага соламан, деб турган шер бўйнига занжир солинган ҳолда тасвирланган.

Мустабид тузум даврида кўп ижодкорларнинг бўйнида ана шундай кўзга кўринмас занжир бор эди. Уларнинг ижоди ҳам занжирда эди. Тузумга ялтоқланган, уни ялаб-юлқаган кўпгина «ижодкор»лар ювошгина бўлиб, ўз ихтиёрлари билан ана шу занжирга бўйинларини тутиб берган эдилар. Аммо устоз Абдулла Қаҳҳор занжирга бўйин бермади.

Кўплар ҳукумат илтифотидан умидвор бўлиб, ўз қадрини оёқости қилиб бўлса ҳамки, дунёдаги жами бежама сўзларни ишга солиб, тошни ҳам эритиб юборадиган иборалар билан партияни ялаб-юлқаётган бир пайтда Абдулла Қаҳҳор энг баланд минбардан туриб, партия арбобларининг кўзига тик қараб, «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман», дея олган жасур, қўрқмас ёзувчи эди.

У адабиётнинг поклиги учун тинмай курашди. «Литературная газета»да эълон қилинган «Соринка в глазу» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси уни «Хуснбузар» деган ном остида босиб чиқарган) мақоласи кўпчиликнинг ёдида. Адабий мардикорлар ва уларни ёлловчилар тўғрисида ҳар бир жумласидан ўт чақнаб турган бу мақола ўша куниёқ ўз эгасини топган эди. Висир-висир гаплар, шов-шувлар, телефонбозликлар бошланди. Аммо мақоладаги ҳақиқат, кучли мантиқ ғалаба қилди. Газета ходимларига берилган ҳайфсанлар ўша куниёқ қайтиб олинди.

Бугунги кунда адабиётимизнинг олдинги сафида бораётган, гўзал шеърлари, мақолалари билан эл назарига тушган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддиновлар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳимоясида эдилар. Устоз бу шогирдлар олдида пайдо бўлган тўсиқларни, бало-қазоларни даф қилиш учун ҳамиша сергак турарди.

Устознинг ўзи асло хом-хатала асар ёзмасди. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани ақл тарозисида тортиб, кейин ёзарди. Унинг ижоди барча ёзувчиларга намуна эди.

«Адабиёт кўнгил хуши эмас, кўнгил иши,— дерди устоз. — Адабиёт байрамларга, турли саналарга атаб совға тариқасида ёзилмайди. Адабиёт бугун очилиб, эртага сўлиб қоладиган гул эмас. У халқнинг асрдан асрга ўтадиган қўшиғи, узоқ масофаларни кўрадиган кўзи, асрлар қаъридан келаётган овози, келгуси авлодларга етиб борадиган ва уларни бугунги кундан бохабар қиладиган виждони!

Наҳотки инсон виждони совға қилинса!»

Ажойиб санъаткор Абдулла Қаҳҳорга берилган «Буюк хизматлари учун» ордени унинг таржимаи ҳолига сарлавҳа бўлса арзирликдир.

Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг жонкуяр посбони эди. У ижод аҳлини ваболардан, офатлардан, макруҳлардан огоҳ қиларди.

Саид Аҳмад, Ўзбекистон Қаҳрамони

Қадрли Юртбошимиз Ислом Каримов!

Телевизор орқали Сизнинг Фармонингизни эшитиб ўтирганимда, набираларим: «Президентимиз бувамга орден беribдилар!» — деб қанот қоқиб, суюнчи сўраб киришди.

Кўзларимга қандай ёш келганини ўзим ҳам билмайман.

Одамзот дунёдан ўтгач, эл-юртнинг тилида яшаса, хизматлари эъзозланса, бу бахтга нима етсин?

Раҳматли Комилжон Отаниёзов бир гал шундай деган эдилар: «Оллоҳ назар қилган одам подшоҳ бўлади, Худо берган — ҳофиз бўлади. Одил шоҳ ҳақиқий ҳофизларни яхши кўради!»

Бугун Сизнинг марҳаматингиздан у кишининг руҳи поклари шод бўлганига иймоним комил. Шундай кунларга етказгани учун Яратганга беадад шукроналар айтаман!

Сизнинг ҳақингизга қилаётган дуоларимнинг чеки йўқ. Илоҳим, азиз бошингиз омон бўлсин!

Юртимиз тинчлиги, осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида қилаётган эзгу ишларингизда Аллоҳ мададкор бўлсин, Сизни доимо ўз паноҳида асрасин!

Ҳурмат-эҳтиром ила

Имсинойбиби Отаниёзова

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН

ТЕННИС ЖОЗИБАСИ

Ватанимиз пойтахтида дилларга сурур бағишловчи катта теннис меҳмон бўлиб турибди. Ҳа, анъанавий халқаро турнир — «Президент кубоги» учун мусобақа бошланди. Кеча «Юнусобод» теннис саройида мусобақанинг тантанали очилиш маросими байрамона тус олди. Мусобақани ўтказиш учун ташкилий ва тадбирий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилган. «Юнусобод» спорт мажмуи ҳар қачонгидан гавжум. Зеро, майдонга кимларнинг тушиши, бу safарги баҳсларда жаҳоннинг қайси мамлакатларидан келган теннисчилар куч синашиши шанба куни ташланган қуръа маросимида маълум бўлганди. «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўтказилган бу маросимдан кейин Тошкентга 20 дан ортиқ давлатдан кучли теннисчилар келгани аён бўлди. Хусусан, жаҳон рейтингида 6-ўринни эгаллаб турган сочилик Евгений Кафельников, 7-ўринни забт этиб турган москвалик Марат Сафин, 10-ўринда бораётган франциялик Кедрик Пиолини ва бошқаларнинг борлиги ҳамма учун фахрли эди. Бу—бош соврин учун курашнинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан нишонадир.

Халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси, ажойиб инсон Сассон Какшури таъбири билан айтганда, «Президент кубоги» ўзбек халқининг халқаро ҳамжамият мамлакатлари билан тинч ва тотув яшашга иштиёқини ифода этади. Ҳа, спорт ҳамиша тинчлик ва бирдамлик тимсоли бўлиб келган. Ҳеч бир нарса спорт каби мамлакат номини дунёга тез овоза қилолмас. Шундай қилиб, баҳслар бошланиб кетди. Ўтган дам олиш кунлари малакани синаш ўйинлари ҳам ўтказилди. Мақсад 28 нафар кучли теннисчи сафига яна умидвор тўрт теннисчини қўшишдан иборат эди. Шунда жами 32 нафар теннисчи бош соврин учун қизғин ва муросасиз баҳсга киришади. Қизиғи шундаки, бу гал Евгений Кафельниковнинг омади келди. У дастлабки учрашувни малакани синашда омади чопган теннисчилардан бири билан майдонга тушади. Зеро, юртдошимиз Олег Огородовга қийин бўлади-ёв. Чунки, у юлдуздек чақнаб турган Марат Сафин билан илк ўйинда куч синашишига тўғри келади. Яна бир теннисчимиз Вадим Куценко астойдил ҳаракат қилса, иккинчи давра ўйинларига ўтиш имкониятини қўлга киритиши мумкин. Чунки, Вадим ҳам малакани синовдан ўтказишда ютиб чиққан теннисчи билан ўйнайдиган бўлиб турибди.

Сўзсиз, замонавий спортда фақат маънавий рағбат кифоя эмас. Шу сабаб, «Президент кубоги» учун мусобақанинг мукофот жамғармаси ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Бу safар 525 минг АҚШ доллари қийматида белгиланган. Омади чопиб биринчи ўринни олган теннисчи ўз ҳисобига 35 та очко ёзиб, 70 минг долларни қўлга киритиши мумкин. Финалчи эса 41,4 минг долларга эга бўлади. Умуман, бу мусобақада ҳеч ким қуруқ қолмайди. Ҳатто, малакани синовдан ўтказиш учрашувларида уч марта ғалабага эришган теннисчига ҳам 560 доллар аталган. Ҳарқалай, бу safар ҳам бош соврин учун курашнинг қизғин, жозибали ва эсда қоларли бўлиши кутилмоқда.

■ Ҳайдар НОСИРОВ





КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ЭҲТИЁЖДАН ТУҒИЛГАН ҚЎЛЛАНМА

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида инсоният ҳаётига глобал муаммолар тушунчаси кириб келди. Бу муаммолар таҳдид қўлами бўйича бутун инсониятқ тақдирига хавф солувчи, унинг фаолиятини бутунлай бошқа йўлга буриб юборишга қодир Бани башар олдидаги биринчи рақамли муаммога айланиб улгурди. Минг афсуски, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, аниқроқ айтганда, жамиятнинг табиий ресурсларга нисбатан ноқилона муносабати ортида юзага келган экологик муаммолар ана шундай кенг қамровли ва эътиборталаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

«Ўқитувчи» нашриёти А. Хоназаров ва F. Кумзуллаев муаллифлиги остида «Тупроқ эрозияси ва тоғ-ўрмон мелиорацияси» деб номланган китобни босмадан чиқарди. Китоб ўрмон хўжалиги муҳандислари ва шу соҳа олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, тармоқни тадқиқ этиш борасидаги тажрибаларни ўзига сингдиргани билан алоҳида фарқланади ва ўз навбатида муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Аввало мавзунинг долзарблиги хусусида. Инсониятқ ҳаётига саноат кириб келиши билан инсон ва табиат ўртасидаги азалий мувозанат бузилди. Тупроқнинг ҳар хил зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши кучайди. Унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммоси туғилди. Инсон ҳаётининг ажралмас қисми ва тириклик манбаи бўлган ўрмонлар бесабаб кесилиб кетди. Кейинги 40 йил мобайнида нам тропик ўрмонларнинг майдони 2 баробар қисқарди. Унинг бой ҳайвонот дунёси хилма-хиллиги бузилди. 80-йилларда ҳар йили 11 миллион гектардан ортиқ ўрмон қирқилган ва 4,5 миллион гектар ердаги дарахтлар танлаб кесилган. Ҳар йили миллионлаб гектардаги ўрмонлар бесабаб ёниб кетмоқда. Жаҳон статистикаси маълумотига кўра, ўрмонларда ёнғин чиқиш ҳодисасида 97 фоиз одамлар айбдор ҳисобланади. Бугунга келиб дунёдаги 2,4 миллиардга яқин киши ўтиндан асосий ёқилғи сифатида фойдаланади. Ҳар дақиқада тропик ўрмонлардан 14-15 гектари камайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ўрмонларнинг йўқ қилиниши натижасида атмосферага йилига ўртача 1,0-2,6 миллиард тонна углерод келиб қўшилмоқда...

Китобнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у камчиликларни зикр этиш баробарида уларни бартараф этиш йўлларини ахтаради. Бу борадаги ўзининг маълум бир таклифларини, мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Жадваллар, формулалар асосида кўрсатмалар беради. Албатта, муаллифлар ўз фикрларини муаммони бартараф этишнинг ягона йўли деб билмайди. Китоб бутунлигича республикамизнинг барча географик минтақаларида сунъий ўрмонлар барпо этиш, экологик ҳолатни тиклашда бу ўрмонларнинг ролини кучайтириш, уруғ сепиш, уларни ҳар хил машина, механизм ва ускуналар ёрдамида, агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда парваришлаш каби масалалар ҳақида мулоҳаза юритади. Шу маънода, у ўз вақтида яратилган зарур қўлланма. Бундай қўлланмаларга ҳар соҳада мустақилликни қўлга киритишга интилаётган бугунги Ўзбекистон шароитида эҳтиёж катта эканлигини ҳисобга олсак, китобнинг қиммати янада яққолроқ билинади.

■ Шуҳрат ОРИФ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 1.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАҲЗАЛАР ТИМСОЛИДА

Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон — Буюк Британия Дўстлик жамияти аъзоларининг йиғилиши бўлди. Даврани мазкур жамият раиси, республика ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев бошқарди. Буюк Британия билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни яхшилашда жамият хайрли тадбирлар ўтказаётгани ҳақида мулоҳаза юритилди. Шундан кейин «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг катта залларидан бирида «Ўзбекистон — лаҳзалар сиймосида» фотокўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Бу ерда «Дийдор» фотогалереяси тақдим этган 40 дан зиёд турли тасвирларда Ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ифода этувчи рангбаранг тасвирлар намойиш этилди. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Инген фотосуратлар таъсирли ва жозибали эканлигини эътироф этди.

■ Мирзо АНВАР

ОРЗИЕВНИНГ ОРЗУЛАРИ

— Моддий манфаатдорлик ишимизда катта самарадорликни таъминлаяпти, — дейди «Қаршиозиқовқат» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Худойназар Орзиев. — Ўтган йил Болгария давлатининг «Футмаш» фирмаси орқали макарон, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна олиб келтиргандик, бироқ у билан кўнгил тўлмаяпти. Ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтирмоқ керак, деб ўйлайман. Шу маънода яқинда Жанубий Кореяда тайёрланган соатига 800 шиша ичимлик қадоқлайдиган андоза олиб келяпмиз. Кейинги режамизда эса мева ва сабзавотлардан шарбат тайёрлайдиган цех ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ҳа, ишлаб чиқаришда суръат ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг олти ойида ўтган йилга нисбатан 149 фоиз кўп маҳсулот тайёрланди. Тўғри, бу унчалик кўп эмас. Бироқ, ўтган йилга нисбатан ўзгариш катта.

■ Илҳом КАРОМОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабининг навбатдаги гуруҳига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ORACLE дастурий маҳсулотларини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун шартнома тузиш бўйича тендер эълон қилади. Бу дастурлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида фойдаланилади.

Таклифлар 2000 йилнинг 22 сентябригача қабул қилинади. Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий амалиёт бўлими бошқармасида қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
Муқимий кўчаси, 96-уй, 218-хона. Ички телефон: 251.

«ЕВРАЗТРАНСАГ»
ёпиқ турдаги акционерлик жамияти ваколатхонаси ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар 2 ой ичида қабул қилинади.
Манзилгоҳ: Тошкент, Шевченко кўчаси, 7-уй.

(Газетанинг навбатдаги сони 16 сентябрь, шанба куни чиқади).

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Сиз азизларни 2000 йил 4,11,18,25 октябрь, 1,8,15,22,29 ноябрь, 6,13,20,27 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларга таклиф этади.

22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент вилоят ҳокимиятида ўтказиладиган аукцион савдоларга қуйидагилар қўйилади:

1. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «КАМАЗ-5320», д-р 11AN246, бошланғич нархи — 218000 сўм.
2. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-5204», д-р 16-18ТШП, бошланғич нархи — 394000 сўм.
3. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-53», д-р 49-48 ТШЛ, бошланғич нархи — 295000 сўм.
4. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-53А», д-р 63-34 ТШП, бошланғич нархи — 558000 сўм.
5. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-31029», д-р 11AN692, бошланғич нархи — 502000 сўм.
6. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ГАЗ-53А», д-р 11AN416, бошланғич нархи — 492000 сўм.
7. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ВАЗ-2121», д-р 97-08 ТША, бошланғич нархи — 183000 сўм.
8. Бекобод шаҳар «Сувқурилишсаноат»га қарашли «ЛАЗ-695», д-р 98-88 ТШН, бошланғич нархи — 457000 сўм.
9. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «Доган», д-р 11АД713, бошланғич нархи — 296000 сўм.
10. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ГАЗ-2411», д-р 11-28 ТША, бошланғич нархи — 170000 сўм.
11. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли НЗАС, д-р 99-74 ТШС, бошланғич нархи — 565000 сўм.
12. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ПАЗ-672», д-р 76-58 ТШП, бошланғич нархи — 247000 сўм.
13. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ПАЗ-672», д-р 98-12 ТШЛ, бошланғич нархи — 247000 сўм.
14. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ПАЗ-672», д-р 53-27 ТШР, бошланғич нархи — 247000 сўм.
15. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ПАЗ-672», д-р 46-33 ТШР, бошланғич нархи — 247000 сўм.
16. Бўстонлиқ тумани автосаройига қарашли «ММЗ-45021», д-р 76-69 ТШС, бошланғич нархи — 281000 сўм.
17. Ўрта Чирчиқ тумани Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 05-78 ТШС, бошланғич нархи — 146000 сўм.
18. Тошкент вилояти ХДС га қарашли «ВАЗ-21063», д-р 10АЛ 205, бошланғич нархи — 206000 сўм.
19. Қибрай тумани Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 89-58 ТШС, бошланғич нархи — 138000 сўм.
20. Қибрай тумани Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 89-59 ТШС, бошланғич нархи — 138000 сўм.
21. Қибрай тумани Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 89-60 ТШС, бошланғич нархи — 138000 сўм.
22. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «ГАЗ-53А», д-р 98-38 ТШН, бошланғич нархи — 378000 сўм.
23. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «ССМП-215», д-р 21-12, бошланғич нархи — 116000 сўм.
24. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 64-57 ТШН, бошланғич нархи — 141000 сўм.
25. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 64-56 ТШП, бошланғич нархи — 141000 сўм.
26. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «РАФ-22031», д-р 22-76 ТШР, бошланғич нархи — 141000 сўм.
27. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «ВАЗ-2121», д-р 17-25 ТШС, бошланғич нархи — 139000 сўм.
28. Бекобод шаҳар Марказий касалхонасига қарашли «УАЗ-469», д-р 16-24 ТШС, бошланғич нархи — 158000 сўм.
29. Бўка тумани ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-31029», д-р 11 TV 150, бошланғич нархи — 250000 сўм.
30. Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-31029», д-р 11 TV 152, бошланғич нархи — 350000 сўм.

4 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКЦИОН САВДОЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Янгийўл шаҳар «Тонг» даҳаси, 3-зонада жойлашган сатҳи 400 кв.м бўлган 4 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 49068сўм.
2. Чиноз шаҳар Дўстлик кўчаси, 2-зонада жойлашган сатҳи 600 кв.м бўлган 9 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 70000 сўм.
3. Қуйи Чирчиқ тумани «Юлдуз» жамоа хўжалиги Юлдуз қишлоғида жойлашган сатҳи 400 кв.м бўлган 9 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 17400 сўм.
4. Қуйи Чирчиқ тумани «Хўжакент» жамоа хўжалиги Гул қишлоғида жойлашган сатҳи 400 кв.м бўлган 10 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 23200 сўм.

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ана шу савдоларда сотилиши мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА